

Бабаназар Муртазаев

Термиз ДУ доценти, филология фанлари номзоди

ШОИР АШРАФ

Аннотация: Мақолада шоир Ашраф ва унинг ижоди ҳакида Алишер Навоий асарларидаги маълумотларнинг қиммати, аҳамияти каби ҳодисаларга урғу берилади. Айни замонда бу борада озарбайжон олимларининг қўлга киритган ютуқлари борасида ҳам баъзи хабарлар илова этилган.

Калит сўзлар: Навоий, Ашраф, “Хамса”, татаббуъ, шоир, шеър, тазкира, анъана, пайрав, мавлоно, Мароғойи, замондош, бадиий, ижод, дарвеш.

Annotation: The article emphasizes the significance and value of the information regarding the poet Ashraf and his works found in Alisher Navoi's writings. At the same time, some insights into the achievements of Azerbaijani scholars in this field are also included.

Keywords: Navoi, Ashraf, "Khamsa", imitation, poet, poetry, tazkira, tradition, follower, Mawlana, Maraghoi, contemporary, artistic, creativity, dervish.

Аннотация: В статье подчеркивается значение и ценность сведений о поэте Ашрафе и его творчестве, содержащихся в произведениях Алишера Навои. В то же время приводятся некоторые сведения о достижениях азербайджанских ученых в данной области.

Ключевые слова: Навоий, Ашраф, «Хамса», подражание, поэт, поэзия, тазкира, традиция, последователь, Мавлоно, Марогойи, современник, художественный, творчество, дервиш.

Алишер Навоий “Хамса” достонларидағи анъанавий муқаддимотларда салафлари Низомий Ганжавий (1141–1209) ва Амир Хусрав Дехлавий (1253–1325) ҳамда Абдураҳмони Жомий (1414–1492) мадхига бағишлиланган бобларда гоҳо шоир Ашрафга ҳам ишора қилиб ўтади. Чунончи, “Фарҳод ва Ширин” достонидаги VI боб Низомий ва Дехлавий ҳамда VII боб Жомий мадхига бағишлиланган, кейинги IX бобда ушбуларни ўқиймиз:

Ва лекин соҳири Ҳиндустоний,
Ёзарда бу маломат достони.

Чу торти хомаси таҳрири таъжил,
Бу ишга берди кўп тағири туабдил (–Б.48)¹.

Дикқат қилинса, Алишер Навоий устози Амир Хусрав Дехлавийни “Ширин ва Хусрав” достонига ишора қилиб, бу борадаги амалга оширилган истилоҳларга, ўзгаришларга очиқча ишора қилмоқда. Кейинги бир ўринда:

Бу майдонга чу Ашраф сурди маркаб,
Бу сўзни ўзга навъ этти мураттаб (–Б.49)².

¹ Навоий Алишер. 20 томлик. Т.8. Фарҳод ва Ширин.– Тошкент: “Фан”, 1991. – Б.48.

² Шу манба. –Б. 49.

дейилади, байтда Ашрафнинг “Хамса” ёзиш майдонига от суреб кириб келгани ва бошқача бир тарзда, яъни ўзига хос йўсинда сўз айтгани олқишлиланмоқда. Агар синчков назар ташланса, Ашрафнинг “Риёз-ул-ошиқайн” (“Ошиқлар боғи”) ёки “Ширин ва Хусрав” достони “ўзга навъ” – ўзига хос йўналишга эгалигига баралла очиқласига ишора берилиб, оқилона тан олинмоқда!

Шу фикрга яқин талқин “Лайли ва Мажнун”да давом эттирилади:

Чун етти бу базмгаҳга Ашраф,

Бўлди ўзи хўрдига мушарраф ($-B.31$)³.

Яъни: хамсанавис шоирлар базмига иштирок этган Ашраф ўзига яраша асар ярататишга мушарраф бўлибди. Бу хил баҳо, шубҳасиз, Ашраф “Хамса”сиning Алишер Навоий тарафидан эътироф этилишига катта асос борлигини исботловчи омиллардан биридир. Шугина икки мисрадан иборат байтда Ашрафнинг хамсанависликдаги мақоми бекиёс таъкидини топмокда десак мутлақо муболага қилмаган бўламиз.

Алишер Навоий “Сабъаи сайёр”да Ашрафни яна тилга олади:

Гарчи бир нуқтагўй Ашраф ўлуб,

Ўзи мақдуриға мушарраф ўлуб.

Яхши ё худ ёмон деди, ғам эмас,

Яхши гар бўлмаса, ёмон ҳам эмас ($-B.38$)⁴.

Ашраф нозик маъноли сўзлар айтувчи дейилмоқда, у қўлидан келганича харакат қилиб “Хамса” ёзи. Тўғри, унинг “Хамса”си яхши ёки ёмондир, лекин унинг “Хамса”си сиртдан яхшидек туюлмаслиги мумкин, аслида уни ёмон деб бўлмайди. Алишер Навоий айтган мулоҳазалар, афтидан, ўша замон Ҳирот адабий мухитида рўй берган ва Ашраф “Хамса”си теварагидаги қизғин баҳсу мунозараларнинг акс-садосига ўхшаб кетади. Юқоридагилардан хулоса шуки, демак Алишер Навоий катта замондоши Ашраф “Хамса”си билан таниш бўлган, бўлмаса бу хил дадил фикрлар изҳор этиши мумин бўлмас эди.

Ашраф ҳақида маълум миқдордаги маълумотлар “Тожик адабиёти ва санъати энциклопедияси” комусида учрайди: “Абуали Ҳусайн ибн Ҳасан Марогий (таваллуд йили номаълум, вафоти 1459 йил) форс-тожик шоири. Дарвеш Ашраф Хиёбоний номи ила ҳам машҳурдир. Ашраф 1434 – 1440 йиллар оралиғида Низомий Ганжавий (1141–1209)га пайрав қилиб “Хамса” тартиб берган, унинг достонлари “Минҳож-ул-аброр” (“Яхшилар йўли”), “Риёз-ул-ошиқайн” (“Ошиқлар боғи”) ёки “Ширин ва Хусрав”, “Ишқнома” ёки “Лайли ва Мажнун”, “Ҳафт авранг” (“Етти таҳт”) ва “Зафарнома”лардан иборат. Ашрафнинг тўрт девони ҳам мавжуд: “Унвон-уш-шабоб” (“Ёшлиқнинг бошланиши”), “Хайр-ул-умур” (“Умр яхшиликлари”), “Боқиёт-ус-солеҳот” (“Мангут яхшиликлар”), “Мужаддадот-ут-тажаллиёт” (“Жилвалар хушхабари”), уларда шеъриятнинг қасида, ғазал, қитъа, рубойй ва бошқа лирик жанрлари мавжуд. Ғалати томони шундаки, Алишер Навоий бу шеърий девонлар ҳақида негадир гапирмайди ҳам, изоҳ ҳам бермайди.

Дарвеш Ашрафнинг Хиёбонийнинг “Садпанди Али” (“Алиниң юз панди”) асари ҳазрат Али ибн Абутолибга нисбат берилган юз ҳикматни қамраб олади, у араб тилидан қилинган рубоийлар таржимасидир. (Рашидиддин Ватвот (1088–1182)нинг ҳам худди шу хил номдаги асари бор, у ҳам ҳазрат Али (вафоти 661)нинг юз ҳикмати жамланган рубоийлар тўпламидир. Алишер Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир” асари, ажаб эмас, балки

³ Навоий Алишер. 20 томлик. Т.9. Лайли ва Мажнун.–Тошкент: “Фан”, 1992. – B.31.

⁴ Навоий Алишер. 20 томлик. Т. 10. Сабъаи сайёр. – Тошкент: “Фан”, 1992.– B.38.

Ватвот ва Ашраф асарларининг таъсирида ёзилгандир. Бу ҳакда “Мажолис ун-нафоис”нинг олима Суйима Фаниева тузган изоҳлар қисмига қаранг–Б.М. –Б.219)⁵. Ашрафнинг адабий мероси бизнинг давримизгача етиб келган, аммо шоирнинг достон ва девонларининг қўллэзма нусхалари камлиги боис, ҳануз нашр ишлари амалга оширилмаган. Унинг ижодидан байтлар:

Бехунарй мояи сад ғам бувад,
Сад хунар аз одамие кам бувад.

мазмуни: Ҳунарсизлик асосдир юз ғамга,
Юз ҳунар ҳам камдир одамга...

.....
Хоҳам , ки чўби шавам, то ту гоҳ-гоҳ,
Дар ҳоли ман ба гўшаи чашме кунӣ нигоҳ” (– С.205)⁶.

Суйима Фаниева томонидан амалга оширилган таржимани пастда келтириб, ўтамиз, бу ерда тақорор бўлмаслиги учун соқит этдик, чунки айни юқоридаги байт “Мажолис ун-нафоис”дан олингадир.

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”(1491–1498) ва “Насойим ул-муҳаббат”(1495) асарларида Ашрафга маҳсус тўхталади. “Мажолис ун-нафоис”нинг биринчи мажлисида қуидаги хабарлар берилади: “Мавлоно Ашраф –дарвешваш ва номуродшева киши эрди. Ва кийиз бўрк устига қурчуқ чирмар эрди. Ва эл била дағи омизиши оз эрди. Кўпроқ авқот “Хамса” татаббуъига сарф қилур эрди, то ул китобни тугатар тавфиқи топти, воқеан ўз хурди ҳолига қўра ямон бормайдур. Афв фазилатида “Хамса”сидин бу байт яхши воқеъ бўлубтурким:

Ба назди касе к-ў ба дониш меҳ аст,
Зи мужримқуши журмбахши беҳ аст.

(мазмуни: Билимда илғор бўлган шахс қошида гуноҳкорни ўлдиришдан гуноҳни кечиш афзалроқдир).

Бу ғазал матлаи дағи анингдурким:

Хоҳамки, чўби тийр шавам, то ту гоҳ-гоҳ,
Бар ҳоли ман зи гўшаи чашме куни нигоҳ” (–Б.16)⁷.

(мазмуни: Ўқнинг чўпи бўлишни истайман, токи сен баъзи-баъзида ҳолимга кўз уни билан қарагайсан. Бу ерда шоир ўқ тортганда, кўз қири билан нишонга бокиши каби ҳолатни назарда тутмоқда. Таржималар “Мажолис ун-нафоис”нинг изоҳлар қисми(–Б.219)да келтирилган). Англашиладики, Алишер Навоий замондошининг табиати, хулқатвори, ҳатто кийинишигача эътибор қаратади, Ашрафга хос одамовийлик ҳам назардан соқит этилмайди. Баралла айтиш мумкинки, Навоий ёшлиқ чоғлари Ашрафни кўрган ва шоир ўзининг кўп вақтини “Хамса” ёзиш билан ўтказишини атрофдагилардан эшитгани табиий.

“Насойим ул-муҳаббат”да Ашраф таърифи ушбу хилда келтирилади: “731. Мавлоно Ашраф қ.с. – Ҳирот шаҳрида бўлур эрди ва сўфия тариқи била сулуки бор эрди. Бошига кийиз бўрк қўяр эрди ва назм аҳли акобири била сухбат тутуб эрди. Кўпи ани дарвешлик жихатидин таъзим қилурлар эрди. Кўпрак авқотини “Хамса” назмиға ўткарур эрди. Оқибат ул-умр ул мутабаррак китоб итномига мушарраф бўлурға тавфиқ топти. Бу байтни гўёки матлуб висоли вақти айтмиш бўлғайким, байт:

⁵ Навоий Алишер. МАТ 20 томлик. Мажолис ун-нафоис. Т.13. – Тошкент: Фан, 1997. – 284 б.

⁶ Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Иборат аз 3 чилд. Чилди 1.– Душанбе, 1988. – 544 саҳ.

⁷ Навоий Алишер. МАТ 20 томлик. Мажолис ун-нафоис. Т.13. Кўрсатилган манба.

Аз шарафи васли ту Ашраф шудем,
Давлати мо буд мушарраф шудем.

мазмуни:

Васлинг шарафидан Ашраф бўлдик,

Давлатимиз экан мушарраф бўлдик” (-Б.477)⁸. (Суйима Фаниева “Мажолис ун-нафоис”нинг изоҳлар қисмида ушбу байтнинг бошқачароқ йўсингдаги таржимасини амалга оширган: Сенинг васлинг шарафи билан Ашраф (яъни, шарафли) бўлдик, бу биз учун давлат эди мушарраф бўлдик.-Б.219)⁹. Кўринадики, Алишер Навоий бу ўринда Ашраф ҳакидаги маълумотларида шоирнинг Хиротда яшагани, назм аҳлининг улуғлари билан сухбат қургани, унинг тариқатда сабитқадамлиги сабабидан хурмат қилишларини илова этади. Дарҳақиқат шоир Дарвеш Ашраф Хиёбоний номи билан танилганлиги хусусида манбалар гувоҳлик беради. Навоий шоир Ашрафнинг кўп вақтини “Хамса“ ёзишга сарф этганлигини таъкидлайди ва бу табаррук китобни ёзib тутатганини мамнуният билан эътироф этади.

“Муҳакамату-л-лугатайн”да Ашрафга доир муҳим эслатма мавжуд, унда “Яна чун “Сабъаи сайёра” расадин замирим боғлабтур, Ашраф “Хафт пайкар”ининг етти хурвашин пешкашимга яроғлабтур” (-Б. 22)¹⁰, – деб ёзилган. Алишер Навоий ўзининг “Хамса” достонлари учун асос бўлган асарларни бир-бир санаб ўтар экан, “Сабъаи сайёр”нинг яратилишига Ашраф достони “Хафт авранг” (Етти тахт”) асаридан кўпроқ истифода этганини таъкидламоқда.

Дарвеш Ашраф Хиёбоний ижод йўли ва унинг қўлёзма асарлари хусусида озарбайжон олимларидан Тохир Маҳаррамов ва М. Д. Кязимовларнинг қатор мақолалари илмий журналларда эълон қилинган. Биз мақоламизнинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида улардан айримларини қайд этдик, холос. Тохир Маҳаррамовнинг “Ашраф Мароғоййининг “Минҳож-ул-аброр” асари” ҳакидаги мақоласининг рус тилидаги изоҳ қисмида ўқиймиз: “Жизнь и творчество Ашрафа до сих пор не изучены, а сочинения не опубликованы. Единственная рукопись “Хамсы” поэта которую можно пока привлечь к исследованию, находится в Бодлеанской библиотеке в городе Оксфорде”¹¹. (таржимаси: Ашрафнинг ҳаёти ва ижоди ҳануз ўрганилганича йўқ, асарлари нашр этилмаган. Шоирнинг ҳозирча тадқиқот ишларига жалб этиш мумкин бўлган “Хамса”сининг ягона қўлёзмаси нусхаси Оксфорд шахрининг Бодлеан кутубхонасида сакланади. Ушбу фикрлар 80-йиллар айтилган, оз-эмас, кўп эмас 45 йил бўлиби, афсуски, ҳозиргacha қанча ишлар қилинган билмаймиз, бир пайтлар 80 – 90-йиллар Озарбайжоннинг “Эдэбијат, дил вэ инчэсэнэт” – “Адабиёт, тил ва санъат” журнallарига обуна бщлар эдик.) Муаллиф “Минҳож-ул-аброр” (“Яхшилар йўли”) достони мундарижасини ўз мақоласида атрофлича таҳлил назаридан ўтказиб, асардан мисоллар ҳам келтиради:

Аз шарафи илм сухандон шави,
Илм шавад тожо то султон шави¹².

мазмуни:

Илм шарафи ила сухандон бўласан,
Илм бу тождир, сен эса султон бўласан.

⁸ Навоий Алишер. МАТ 20 томлик. Насойимул-муҳабbat. Т.17.– Тошкент: “Фан”, 2001. – 592 6.

⁹ Навоий Алишер. МАТ 20 томлик. Мажолис ун-нафоис. Т.13. Кўрсатилган манба.

¹⁰ Навоий Алишер. МАТ 20 томлик. Т.16. . – Тошкент: “Фан”, 2000. – Б.22.

¹¹ Фойдаланилган адабиётлар рўйхатига қаранг. - . 17–23.

¹² Кўрсатилган манба.– С.22.

Бу ҳолатни М. Д. Кязимов мақоласида ҳам кузатдик:

Хар ки бад кард бад жазо бинад,

Нек мардум бади кўжо бинад¹³.

мазмуни:

Кимки ёмонлик қилса, жазо олади ёмон,

Яхши одам ёмонлик қўрмас зинхор хеч қачон.

Биз ҳам ихтиёrimиздаги Дарвеш Ашраф Хиёбонийнинг “Ҳафт авранг” қўлёзмасидан мисоллар келиришни лозим топдик. Бир пайтлар, тахминан 1990 йил эди чоғим, устоз акамиз Сайдбек Ҳасанов (1945–2019)дан шу асар қўлёзмасининг фотокопиясини олган эдим. Мисолни “Оғози достон” қисмидан келтирдик:

Аввал аз Ҳақ, дуввум зи пайғамбар,

Сейум аз подшоҳ ном овар

Ин дам аз подшоҳ ёд кунам,

Рухи Баҳроми Гўр шод кунам¹⁴.

мазмуни:

Аввал Ҳақ, иккинчи пайғамбар,

Учинчи шоҳнинг номин келтири.

Бу дам подшоҳни ёд олайн,

Баҳром Гўр руҳин шод этайин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Кязимов М.Д. Новеллы поэмы “Ҳафт авранг” Ашрафа Марагаи // Изв. АН АзССР, сер. лит. яз. и иск. – 1984. – № 1. – С. 32–37.
2. Магеррамов Тахир. “Минхадж уль-аброр” Ашрафа Марагаи // Изв. АН АзССР, сер. лит. яз. и иск. – 1982. – № 4. – С. 17–23.
3. Магеррамов Т.А. Амир Хосров Дехлеви и Ашраф Марагаи // Амир Хосров Дехлеви: Сб. науч.тр. ТашГУ. 1987.–С. 33–42.
4. Магеррамов Т.А. О поэме “Ҳафт оуранг” Ашрафа Марагаи // Изв. АН АзССР, сер. лит. яз. и иск. – 1989. – № 1. – С.17–22.
5. Навоий Алишер. 20 томлик. Т.8. Фарҳод ва Ширин. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи Сўйима Ғаниева. – Тошкент: “Фан”, 1991.– 544 б.

¹³ Кўрсатилган манба. –С.33.

¹⁴ Қўлёзманинг 8-вараги.

6. Навоий Алишер. 20 томлик. Т.9. Лайли ва Мажнун. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёровчи Т. Фауржонова. – Тошкент: “Фан”, 1992. – 356 б.
7. Навоий Алишер. 20 томлик. Т. 10. Сабаби сайёр. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида достонни изоҳлар билан нашрга тайёровчи М.Мирзаҳмедова. – Тошкент: “Фан”, 1992.– 448 б.
8. Навоий Алишер. 20 томлик. Т.13. Мажолис ун-нафоис. Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёровчи Суйима Ғаниева. – Тошкент: “Фан”, 1997. –284 б.
9. Навоий Алишер. МАТ 20 томлик. Т.16. П.Шамсиев матни асосида изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёровчи Суйима Ғаниева. – Тошкент: “Фан”, 2000. –336 б.
10. 10. Навоий Алишер. МАТ 20 томлик. Т.17. Насойимул-муҳаббат. Нашрга тайёровчилар: С.Ғаниева, М.Мирзаҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёровчи ва масъул мухаррир С.Рағиддинов.– Тошкент: “Фан”, 2001. –592 б.